



# САУДИЯ АРАБИСТИНИ ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ КИТОБХОНЛАРИГА «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ» АСАРИНИНГ АРАБЧА НАШРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Исломунонос олим Мухаммад Умар Ташкандий ўзбек халқи юксак маънавияти ва маданияти билан кудратли эканини таъкидлади. «Биз Ўзбекистонда истиқолнинг дастлабки қунлариданоқ миллий кадрлар ва маънавий меросни тиклашга катта эътибор берилганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз», деди у жумладан.

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтган тақдим маросимида сўзга чиққан Маданият ва мерос маркази профессори Мухаммад Анад Сулаймон «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида башариёт учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-маъмуни, унинг инсон, жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти илмий-амалий жиҳатдан ҳар томонлама кенг ифода ва таҳлил этилганга эътибор қаратди. Шунингдек, олим бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келадиган долзарб муаммоларни ҳал этиш, халқ маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгига турли зарарли фоялар ҳамда мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилишда мазкур китобнинг аҳамияти беқиёс эканини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амирликлари Маданият ишлари вазирлиги маслаҳатчиси, доктор Лубна Мухаммад ал-Куна «Юксак маънавият — ен...

Сайловлар — кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланishi, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг олий шаклидир.

# ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги демократик принципларга асосланган сайлов тизимининг асосий негизи бўлиб ҳисобланади.

Хар қандай давлат ва жамиятда сайлов давомида инсонларнинг фикри, хоҳиш-иродаси, оро-умидлари ва кайфиятлари яққол намоён бўлади. Сийёсий қуларнинг сайловларда қатнашиши ҳамда сайловолди платформасини аниқлаб олиши табиий жараёндир. Зеро, бусиз ривожланиш ва тараққиёт бўлмайди.

Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатига халқ хоҳиш-иродаси ҳуқуқат яширин овоз бериш орқали сайлаш; сайловга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказишда очиқлик ва ошкоралик; барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятида қонунийлик, коллегиялик, мустақиллик ва адолатлиликка риоя этиш кабилар кирилади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш борасида муҳим вазифалар белгиланди. Ўтказилаётган сайловларнинг умумийтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги таъминланди.

Сайлов — 2009

лашлари кўзда тутилган. Демак, ҳар бир фуқаронинг овози давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланишига кўмак беради.

лов тизимини тартибга солувчи қондаларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида, фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатларини ҳамда унинг давлат муҳофазасида эканлигини ҳам назарда тулади.

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

палатасида муҳокама қилиниши депутатларнинг тақлифларини комплекс равишда амалга ошириш ва унинг ижроси юзасидан келгусида парламент назоратини таъминлаш, жойларда долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун мақбул шартлар яратиш имкониятини беради.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўриниб турибдики, мазкур корхона жамоаси ишлаб чиқаришга юқори унумли ва тежамкор ускуналарни татиб қўриб олишга эришилгани бунинг исботидир.

# КОРХОНА — ЗАМОНАВИЙ, МАЌСУЛОТ — ЭКСПОРТБОП

лиард сўмлик маҳсулот тайёрлаб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кескин ўсишга эришилгани бунинг исботидир.



дан унумли фойдаланиш, яъни чиқитиш ишлаш имконини беради.

# ПАРВОЗИ СЎНГАН ҚИНФИРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

самолётдан тушириш ва аэропорт ҳудудидан олиб чиқиб кетиш борасида эса «Аэросервис» МЧЖ қўшма корхонаси юк ташувчиси Мирзаали Хусанов билан келишиб қўйган эди.

неча ой муқаддам боғжона қонунчилиги бузилишига олиб келадиган яна бир ҳаракат бартафат этилган эди. Бу воқеанинг ҳам «бош қаҳрамони» авиакомпания ходими, анкироги, борт кузатувчиси Вағиф Джафаров эди.

моддани Ўзбекистон ҳудудига соғишга уринганлик учун жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

... Техника тараққиёти асри бизга мисли қўрилмаган имкониятлар бериди. Фуқаро авиацияси туғайли биз эндиликда бир неча соат ичида дунёнинг бошқа бир четига етиб боришимиз мумкин.

гишли ҳулоса чиқармади. У бутун бир бошли жиноий закирнинг муҳим қарқамога айланди.

# Тадбир

Термиз шаҳрида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Германия техник ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган «Худудий тахрирлардаги журналистларнинг компьютер саводхонлигини ошириш» лойиҳаси асосида ўқув машғулотлари якунланди.

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА МАТБУОТ

Журналист кадрларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини иш фаолиятида қўллаш, интернет воситасида ахборот излаш, ундан фойдаланиш ва айирбошлаш борасидаги билим ва қўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган лойиҳада вилоятдаги қатор матбуот нашрларининг ижодий ва техник ходимлари иштирок этди.

Жамолдин Тўхташев.

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.

24 соат ичида

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Исландияга 167,5 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит ажратишга қарор қилди.

Исландияга молиявий ёрдам
Бу ҳақда "Франс-пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ушбу маблағ жамғарманинг молиявий кўмак дастури доирасида берилши кўзда тутилган.

Назорат кучайтирилди
Мексика пойтахти Мехико шаҳрида А/Н1Н1 гриппига чалинганлар сони биринчи кўпайган, дея хабар беради "РИА Новости" ахборот агентлиги.

Фойда олишга эришди
Дунёдаги энг йирик пўлат қўйиш компанияларидан бири "ArcelorMittal" 2009 йилнинг учинчи чорагини 903 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги соф фойда билан якунлади.

Майкл Жексон ҳақида фильм
"Ассошэйтед Пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, мусликнинг поп йўналиши қироли Майкл Жексон ҳақидаги ҳужжатли фильм Шимолий Америка прокат бозорига чиқарилган.

Бензинсиз 500 километр
Батарея билан ҳаракатланадиган "Tesla Roadster" автомобили Австралияда шу турдаги авионалар ўртасида узок масофага бориш бўйича ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

Хориж мавзюти хабарлари
Хабарларда тўғридан.

Нурота шаҳридаги ҳаётбахш чашма халқимизнинг мўъжизавий зиёратгоҳи сифатида неча минг йилдирки, эъзозу ардоқда. Чашма теварагидаги табиий мўъжиза мажмуа таркибига "Нур" қалъаси, XI аср ёдгорлиги "Чил устун" жомеси, XVI аср обидаси "Кўк гумбаз" масжиди, ўлкашунослик музейи, Шайх Абдулҳасан Нурий мақбараси, Нургулота қудуғи ҳамда мадраса ҳужралари жойлашган. Бу муқаддас қадамжолар, айтиш жоизки, истиқлол йилларида ўз кадр-қимматини топди.

ҚАДИМИЙ ЧАШМА ТАРОВАТИ

Бухоролик тарихчи Абу Бакр Наршахий Х асрда "Бухоро тарихи" китобида: "Нур катта ва гўзал жой, унда масжид ҳам бор. У кўпгина раҳбарларга эга. Нур зиёратига борган киши ҳақ қилган кишининг фазилатларига эга бўлади", деган таърифи келтирди.

келди. Натижада бу маскан нафақат Марказий Осиёнинг, балки дунё сайёҳларининг эътиборини ўзига тортди. Уларни йилнинг тўрт фаслида муқаддас қадамжони зиёрат қилишга, бетакрор мўъжизаларидан завқ олишга ундади. Албатта, бу янги йилларда Юртбошимизнинг, қолаверса, Навоий вилояти ҳамда Нурота тумани ҳокимлигининг Чашма зиёратгоҳини жаҳон андозалари даражасида ободонлаштириш ва таъмирлашга қаратилган саноат-қурилиш билан узвий боғлиқ. Бугун бу эзгу ишлар қизгин паллага кирган, десак тўғри бўлади. Айниқса, "Навоий КМК", "Навоийазот" ОАЖ, "Электромонтаж" корхонаси, "Қизил-

қумцемент" ОАЖ, "Сув оқова" ва сув хўжалиги ҳудудий бошқармалари, Нурота туманидаги автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш ташкилоти бу борада айрича ҳиммат ва олимпиадлик кўрсатмоқда. Чашма мажмуининг янги кўри-

шундай мрамор парчалари чирой бағишлаши лойиҳада кўзда тутилган. Бундан ташқари, уч минг метр цемент деворчалар ўрнатилиши, учта фаввора ва гулхоналар бунёд этилиши ҳам режалаштирилган. Булар ҳали ҳаммаси эмас, — дейди Нурота тумани ободонлаштириш бўлими бошлиғи Султон Соҳибов. — Беш юз метр квадрат мрамор қоқин, 2800 метр квадрат гулли плиткалар чашма хибонага терилди. 150 тонна асфальт ётқизилади. Қувончлиси, чашма мажмуида энг замонавий ёритиш ускуналари ўрнатилди. Ҳозирда мажмуада юздан зиёд қурувчи бунёдкорлик ишлари билан банд. Муқаддас масканнинг

Бунёдкорлик

нишдаги лойиҳаси Навоий шаҳар лойиҳалаштириш бошқармаси томонидан амалга оширилди. Бу чизмаларга биноан, шу пайтга қадар чашма ва тарихий обидаларнинг олд томони етти метрга пайсайтирилиб, ўттиз минг кубометр

Касбиликлар Холбой Хонқулони маърифат жонқуяри, маънавият тарғиботчиси сифатида яхши танишади. Умри давомида ёшларга таълим-тарбия берган отахон бугун нафақадан бўлса-да, навқирон фарзандлар қамоли йўлида эзгу ишлар ташаббусқори бўлиши қанда қилмайди.

ХОЛБОЙ ОТАНИНГ ҲАЗИНАСИ

— Бугунги ёшларнинг ўз келажаги сари дадил интилишига, бировнинг кўмагига умид бўлмай ўтирмай, нимагадир аҳд қилдимми, шу йўлда қатъият билан одимлашга ҳавас қиламан, — дейди фаришадан отахон. — Фарзандларимиз ҳозир жаҳонни кезип, кишлоқ боласи Интернет орқали дунёдан бохабар бўлапти. Мухими, улар излашдан, журъатли, шашти баланд. Фарзандларимиз ана шу фазилатларига кўшимча равишда юксак маънавият инсон бўлиб камол топсалар, нур устига аъло нур бўлур эди. Бунинг учун улар инсониятнинг бебаҳо мулки саналмиш китобга ошно тутишиларни лозим. Чунки китобга меҳр қўйган киши ҳаммиса эзгуликка интилиб аяшади.

маркази барпо қилинди. Туман ҳокимлиги кўмагида қишлоқ ёшларининг маънавий-маърифий қамолига хизмат қилувчи ушбу масканнинг қурилиши учун ўттиз сотих ер ажратилган, Холбой ота ҳаммани хашарга чорлади. Боғидан олган ҳосилининг даромади ҳисобига ўн икки хонадан иборат икки қаватли бино қурдириди. Бугун бу ердаги компьютер ва хунар тўғрақлари, кенг, ёруғ, шиман қиратхоналар илгиз чанқоқ ўғил-қизлар хизматиди.

қилади. Ҳўқийди, ҳўқийди, бу тенгсиз бойлигини кўз қорачиқидек асраб-авайлайди. Бир кунги денг, отахоннинг ҳўзўрига шахсий кутубхонасини ўн беш миллион сўмга сотиб олиш истагида бир киши келибди. Қайда дейсиз, отахон умри давомида йўққан, ҳўқиб ибрат олган китобларини кўзи қиярмиди? Вақтию маблагини аямая, йўғиб-терган болаёғи йўғи фақат ёшлар қамолига хизмат қилсагина, кўнгли хотиржам тортади унинг. Шу боисми, эзгу интили отахонни шу ҳудудда жойлашган ўқув масканларига тез-тез тақлиф этиб туришади. Ҳўқучи талабалар даврасида отахон ҳаётда кўрган-кечирганларидан, ўқиган-билганларидан гапиради, табиийки, ёшлар у кишининг қизиқ ҳаётий ҳикояларини жон деб тинглайдилар. Кўзлари ёғиб турган бу ўғил-қизларга боққан сайин Холбой муаллимнинг қалби ёришади. Ёшларга меҳри бўлакча эмасми, тақлиф этилган ерига китобсиз бормайди. Отахоннинг бу тортиги коллежу лицейлар қошидаги ахборот-ресурс марказларининг бадиий адабиётлар, зарур ўқув қўлланмалари билан янада бойишига хизмат қилмоқда.

Эзгулик

— Президентимиз айтганларидек, маънавият инсонни руҳан поклаганига, қалбдан улғайтишга чорлайди, — дейди кекса муаллим. — Дарҳақиқат, китоб ўқиган, оқу қорани таниган, бир сўз билан айтганда, маънавий олами бой инсон ҳаммиса хайрли ташаббуслар сари интилади. Шу боис фарзандларимиз мутолаага берилсан ва шу орқали ўзлигини танисин, ҳаётда яшайдан мақсади не эканлигини тушуниб етсин, деймиш.

Шунинг учун бўлса керак, Холбой ота йилгига қамида мингтадан китоб харид

Хулласи қалом, илму маърифат фидойисининг ёшлар қамоли йўлида амалга оширган ва оширмоқчи бўлаётган хайрли ташаббуслари кўп ва ҳўп. Энг муҳими, шундай юртпарвар, савобталаб юртдошларимиз бор экан, бу каби эзгу ишлар тиллардан-тилларага кўчиб, яхшилик йўлидаги ташаббус ва интилишлар кенг қўлоқ ёзаверад.

Мухайё ШОМУРОВА. Қошқадарё вилояти



ҚВП: МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Марҳамат туманининг Гаргар қишлоғи ҳудудидидаги "Истиқлол" қишлоқ врачлик пунктида 6348 кишига тиббий хизмат кўрсатилади.

Эътиборли жиҳати, маскан энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда 5 нафар шифокор, 3 нафар амалиёт

шода Қодирова. — Бу ерда нафақат касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва ташхис қўйиш, зарур ҳолларда тегишли муолажаларни амалга ошириш учун ҳам етарли қўлайликлар мавжуд.

Тиббиёт

— Масканимиз қишлоқдаги барча хонадонларни сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан қамраб олишга ҳаракат қилмоқда, — дейди ҚВП мудир Дил-

ш. одилов.

СУРАТДА: "Истиқлол" қишлоқ врачлик пункти фаолиятини давом дора.

Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 4 июлдаги 186-сонли қарорини бажариш юзасидан

«Andijon elektr tarmoqlari» OAJ

танловда қатнашишга тақлиф этади.

Танлов номи — Истеъмолчилардан электр энергияси тўловларини йўғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очик турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳўқуқига эга бўлади.

ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома; инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг қорхоналари билан суд ва арбитраж жараянлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотномаси; инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.

Хусусий оператор фаолият юритиши учун тақлиф этилаётган ҳудуд: Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳри, Андижон шаҳрида (эски шаҳар қисми).

Танлов ташкилотчиси — «Andijon elektr tarmoqlari» OAJ. Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар: инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудда электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудидида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сўмма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати; танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Кўйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди: танлов ҳужжатларида мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган; тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган; танлов эълон қилинганга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган; «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг қорхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Андижон шаҳри, А. Ҳайдаров кўчаси, 53-уй. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

Ариза беришининг сўнги муддати — 2009 йил 26 ноябрь соат 18.00 гача. Танлов ўтказиш муддати — 2009 йил 27 ноябрь соат 10.00 да. Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси; давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси; давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида тўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари; инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қўйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Андижон шаҳри, А. Ҳайдаров кўчаси, 53-уй, «Andijon elektr tarmoqlari» OAJ. Мулоқот учун телефонлар: (8-374) 224-38-81, 224-38-82; факс: (8-374) 222-24-83.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Andijon elektr tarmoqlari» OAJнинг қўйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказдилар: 20210000300285972352, «Узсанотқурилишбанк»нинг «Бунёдкор» филиали, МҲО: 00076, СТИР: 200230796, ХХТУТ 11170.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Andijon elektr tarmoqlari» OAJнинг қўйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказдилар: 20210000300285972352, «Узсанотқурилишбанк»нинг «Бунёдкор» филиали, МҲО: 00076, СТИР: 200230796, ХХТУТ 11170.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Andijon elektr tarmoqlari» OAJнинг қўйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказдилар: 20210000300285972352, «Узсанотқурилишбанк»нинг «Бунёдкор» филиали, МҲО: 00076, СТИР: 200230796, ХХТУТ 11170.

Танлов Истеъдод ва иқтидор намойиши

Бухорода «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг шаҳар ва туманлар босқичларида сараланган 300 нафардан зиёд ўғил-қиз мумтоз ижрочилик, вокал, миллий қолғучлик, рақс, тасвирий санъат ҳамда бадиий ижод йўналишлари бўйича ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш этди. Тадбир якунига кўра, иштирокчилар орасидан 16 нафар гўлиб деб топилди. Эндликда улар танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишади.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


Қарши шаҳрида «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган бу санъат кўригида 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 550 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Улар классик мусиқа, вокал, миллий қолғучлик, рақс, шеъринг ҳамда тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Танлов якунига кўра, 21 нафар ёш ижодкор гўлиб деб топилди, фестивалнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлнамани олди. Шунингдек, тадбир доирасида гулгаранҷер ва ёш мусаввирлар асарларининг намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Alliance Insurance, featuring the company logo and text in Russian and Uzbek. It mentions services for companies and individuals, and provides contact information for the company's office in Tashkent.

Advertisement for 'Kafel' (sanitary ware) featuring the company logo and text in Russian and Uzbek. It lists various types of sanitary ware and provides contact information for the company's office in Tashkent.

Advertisement for geological services featuring the company logo and text in Russian and Uzbek. It lists various geological services and provides contact information for the company's office in Tashkent.



Ўтган йиллар давомида иқтисодийтемиз мустаҳкамланди. Энди янги мақсадлар сари интилишимиз, яъни қишлоқларимизни обод қилиш масаласига кенг эътибор қаратмоғимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ.

# Водийларни яёв кезганда...

Ўзбекистон иқтисодиёти 2009

Йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида:

- қишлоқ жойларда 4,7 миллион квадрат метрлик яқка тартибдаги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди;
- 577 километрлик газ ва 1680,8 километр узунликдаги сув қувурлари тармоқлари ишга туширилди;
- қишлоқ жойлардаги қурилишда фойдаланиши учун яқка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари намунавий лойиҳаларининг республика кўргазмаси ўтказилди;
- тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки кредитлари ҳисобига уй-жойларни комплекс қуришни жорий йилнинг тўртинчи чорагида бошлаш учун жойларда 42 та ер массиви тайёрлаб қўйилди. Шунча ер массивида эса 95 минг квадрат метрлик тураржой майдонига эга бўлган 840 та яқка тартибдаги уй-жой бунёд қилинади.

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Жорий йилнинг ўтган даврида Андижон вилоятининг 9 та туманида ўнлаб савдо дўконлари, сервис хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз ичига олган йирик савдо мажмуалари фойдаланишга топширилди. Ҳукуматнинг амалий ёрдами, молия муассасалари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига барпо этилган мазкур ишхоналардан бири аҳолиси зич бўлган Избоскан туманида...

Фермерлар меҳнатидан яшанган, меҳ-уза эшикларини оғди. 26 та савдо дўконидан иборат ушбу замонавий мажмуани «Шух Юн Али» хусусий фирмаси қуриб берди. Янги ишхона қурилиши учун эса «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг вилоят бўлими 743 миллион сўм миқдорда маблағ ажратди.

Иштирокчи Ифтихор да туманда сановат, транспорт, алоқа, қурилиш тизими босқичма-босқич оёққа турди. Натижада бугунги кунда биргина кичик бизнес субъектлари сони 394 тага етди. Уларда тумандаги тўртта касб-хунаро коллежини битирган ёшлар меҳнат қилишмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар сони саккиз ойда 771 нафардан ортиб, 3075 та янги иш ўрни яратилди.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## КОРХОНАГА МАДАД, КАСАНАЧИГА ДАРОМАД

Албатта, ўз хонадонидан узоқлашмаган, уй-рўзгор юмушларидан ажралмаган ҳолда меҳнат қилишнинг афзалликлари бисёр. Жумладан, бу фарзандлар тарбияси билан машғул ёхуд хонадон юмушлари билан банд хотин-қизлар, уй бекалари учун гоат қулайдир. Қолаверса, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга меҳнат дафтарчалари очилиб, бажарган ишга яраша ҳақ тўлаб борилаётгани оилаларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилапти.

Таъкидлаш керакки, Қумқўрғон туманида ҳам бу борада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази маълумотларига кўра, ҳозирда ҳудуддаги сановат корхоналари қосида фаолият кўрсатаётган касаначилар сони 300 нафардан ошди. Бу соҳага маҳалла фуқаролар йиғинлари ва

қишлоқ тадбиркорлари ҳам жалб этилаётгани ўз самарасини берапти. Хусусан, Бўстон маҳалласи фаолларининг саъй-ҳаракати билан ҳудудда бир йўла 20 та янги иш ўрни очилди. Чеварлар, зардўзлар маҳалла фуқаролар йиғинининг амалий

сулолтар сотиладиган дўкон очилиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, касб-хунаро коллежларини битираётган қишлоқлик қизлари учун янги иш ўринлари яратилиши ҳам кўзда тутилган.

— Қишлоқдаги ҳар бир устахона, тикувчилик ва зардўзлик цехлари шу қишлоқ ёшлари учун касб-хунаро мактаби бўлиб хизмат қиломоқ керак, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори Шамсиддин Қурбонов. — Шундан келиб чиқиб, биз дастлабки босқичда ҳар бир маҳаллада касаначилик асосида йиғирмадан иш ўрини яратиш дастурини ишлаб чиқаямиз. Ишончимиз комилки, ишлаб чиқариш йўналишига қаратилган мазкур дастур келажакда аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аграр тармоқ самарадорлигини ошириш ва қишлоқлар ободлигига хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириб, турмушининг тўқсизлигини таъминлаётгани билан янада аҳамиятлидир. Зотан, юртимизда олиб борилаётган ўзгаришлар замирида ана шундай эзгу мақсадлар мужассам.

### Дил сўзи

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бизнинг Нуқрабод қишлоғимиз ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар юз берди.

## Нуқрабод тадбиркорлар қимматидан обод

Ўзимдан қиёс, шу йили банкнинг 2 миллион сўм кредити шарофати билан тадбиркорликни бошладим. Яъни, 4 мингта наслили жўжа олиб, паррандачиликни йўлга қўйдим. Натижада нафақат оила аъзоларимиз, балки қишлоқ ёшларидан 60 нафари иш билан таъминланди. Қизиқиб кўрсам, қишлоғимизда фермерлик ва тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони 75 нафарга етибди. Уларнинг ақсарияти жорий йилда фаолият бошлагани қувонарлиқ. Энди қишлоғимизда бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Улар меҳнати билан рўзгорини бут қилиб, элга ҳам нафлари тегаётганидан хурсандлар.

Маҳбуба ТУРСУНОВА, Қарши тумани.

Бизнинг қишлоғимиз туман марказидан анча олисда жойлашган. Шундай бўлса-да, бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўриб, кўнгил яйрайди.

## Қадимиз ҳам, қадримиз ҳам кўтарилди

Мана, яқинда ҳудудимизда ҳашаматли мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўп ўтмай, хонадонларга ичимлик суви олиб келинди. Замонавий ҚВП, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эл хизматиди. Қишлоғимиз аҳли — асл деҳқонлар. Уларнинг асосий даромади ҳам деҳқончиликдан. Яқинда ҳудудимиздаги тоқозорлар соҳибдорларимизга тақсимлаб берилиб, фермер хўжаликлари йириклаштирилди. Натижада деҳқоннинг даромади, ернинг ҳосилдорлиги ошди. Қолаверса, бундан қишлоқ аҳли ҳам манфаатдор бўлмоқда.

Инсон кадр-қиммати юксалган, дориламон қўнлар келгани шу-да.

Тоштемир ХУДОЙБЕРДИЕВ, Фаллолор туманидаги Бекат қишлоғи фаоли, ўқитувчи.

## Элга хизмат қилишдан бахтиёрман

Яқинда Қўнғирот тумани аҳолиси иморат қурмоқчи бўлса, гишт олиб келиш учун қўшни туманга қатнаб овора бўларди.

Тадбиркор Н. Қаржабаев Президентимизнинг деворбоп материаллар ишлаб чиқариши қўлай-тиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қарори эълон қилинган, гишт ишлаб чиқариш корхонасини қуриб ишга туширди-ю, ушбу маъмо баргараф этилди. Ҳозир бу корхонада 25 нафар ҳамкасбим билан астойдил меҳнат қилиб, кунга 40 минг донга гишт ишлаб чиқараямиз. Шу пайтгача қурилиш ташкилотлари ва уй-жой қураётган аҳолига 110 миллион сўмликдан ортиқ махсулот етказиб беришга улгурдик. Гапнинг очиги, элга хизмат қилаётганим, уларнинг қорига ярабтанимдан бахтиёрман.

Қурбонбой АҲМЕДОВ, корхона ишчиси.

Республикамиз харитасига назар солган киши унда йўллари инфодаловчи чизиклар ниҳоятда кўп эканлигини илға олади. Дарҳақиқат, юртимизда йўллар бисёр. Таъбир жоиз бўлса, иқтисодийнинг барча тармоқлари қатори ушбу йўллар нафақат манзилларни бирлаштирувчи ришта, балки мамлакат ободлиги, унинг равнақи тимсолидир. Истиқлол иқтисодийнинг барча тармоқлари қаторида йўлсозлик ривожига ҳам янги босқични бошлаб берди. Жаҳон аңдозларига мослаб барпо этилаётган кенг ва раvon йўллар, маҳобатли йўлсозлик иншоотлари бун тасдиқлаб турибди. Айниқса, эски замондаги иккита машина аранг сигадиған йўллари бугунги кунда чекка қишлоқларда ҳам учратиш амримаҳол эканлиги қувонарлиқдир.

## ФАЙЗЛИ МАСКАНЛАРГА РАВОН ЙЎЛЛАР ЯРАШАДИ

Ўтган йили Сирдарёнинг қишлоғимиз ҳудудидан ўтган қисмида катта кўприк қурилди, — дейди Наманган туманидаги Қорақўл қишлоғилик Камолитдин Абдуллаев. — Билсангиз, ота-боболаримиз шу дарёга кўприк солишни бир умр орзу қилишган эди. Истиқлол туғайли, мана, бугун уларнинг нияти ушалди: салкам уз юз метр узунликдаги бу кўприк йўлимизни 18 километрга қисқартирди. Бунинг учун Президентимизга раҳмат!


Халқимизда «Йўли созининг машаққати оза», деган нақл бор. Вилоят йўлсозлари ана шу эзгу мақсад йўлида самарали меҳнат қилишмоқда. Нафақат марказий, балки шаҳар ва туманларни боғловчи йўллар, шунингдек, ички йўл ва кўчаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Қурилиш ва таъмирлаш жараёнида эса қатнов хавфсизлигини таъминлаш масаласи инобатга олинаётди. Масалан, вилоят марказидаги «Чорсу» даҳасида бунёд этилган йирик йўл ўтказиш шундай истикболли лойиҳалардан биридир. Икки ярим миллиард сўм маблағ эвазига барпо этилган мазкур икки қаватли йўл ўтказиш орқали ҳозир юзлаб автомобиллар бемалол ҳаракатланаётгани шундан далолат беради.

Шу билан бирга, Фарғона халқа йўлининг 13 километр узунликдаги қисми мукамал таъмирдан чиқарилиши «Наманган — Андижон» йўналишида машиналар қатновини тўрт қаторга етказиш имкониятини яратди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— Эндиликда йўл қуриш ва таъмирлаш ишлари қишлоқларга қўнганидан ҳамма хурсанд, — дейди «Наманганавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти раҳбари ўринбосари Ҳошимжон Абдуқодиров. — Жумладан, бизнинг жамоамиз жорий йилда 143,9 километр узунликдаги йўллари таъмирлашни режалаштирган эди. Ҳозирга қадар эса 1 миллиард 156,4 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилиб, 90,9 километрлик қишлоқ йўллари қуриб чиқарилди. Норин туманидаги Норинқалъа, Наманган туманидаги Муллақанди, Янгиқўрғондаги Исковот қишлоқлари йўллари шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, вилоят йўлсозлари шаҳар ва қишлоқлардаги йўл ҳамда кўчаларни мукамал таъмирдан чиқариб, юртдошларимиз учун қулайликлар яратмоқдалар.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



мизда ёш оилаларга кўрсатилаётган бектеъ гамқўрлик инфодасидир. Қурилаётган уй-жойларнинг ҳар бири олти хонадан иборат. Бундан ташқари, уларда ошхона, ҳаммом ва бошқа қўшимча хоналар ҳам бўлади. Қувонарлиси, улар тўлиқ пишқ гиштдан бунёд этилаётди. Бу қурилиш ашёси тумандаги «Зарафшон» гишт заводи томонидан етказиб берилмоқда. Мазкур корхона йилга 8 минг донга гишт ишлаб чиқариш қувватига эга. Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг

### Қарор ва ижро

## ҚИШЛОҚНИНГ КЎРКАМ УЙ-ЖОЙЛАРИ

— Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондидан фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, туманимизда тўртта ихтисослаштирилган махсус пудрат ташкилоти барпо этилди, — дейди Нарпай тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Шавқиддин Турдиқулов. — Замонавий уй-жойлар қуриш учун эса уларга Ногорохона маҳалласи ҳудудидан ер ажратиб берилди. Дарвоқе, туманда аҳоли пунктлари — қишлоқ маҳаллалар киёфасини ўзгартириш, қурилиш ишларини архитектуравий режа-

лаштирилган ҳолда ташкил этишни такомиллаштириш, уй-жой фонди ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ногорохонада бунёд этилаётган шинам коттежлар бунинг аққол тасдиғидир. Улар, биринчи навбатда, ёш оилаларга берилади. — Янги қурилаётган уйлarning бири менга насиб этадиган бўлди, — дейди Мустақиллик маҳалласида истиқомат қилувчи ёш оила бошлиғи Шерзод Ҳамроев. — Бунинг учун «Нарпай Олим Бунёдкор» қурилиш ташкилоти билан шартнома имзоладим. Маблағнинг асосий қисми банкнинг имтиёзли кредити ҳисобидан ҳал этилаётгани мамлақати-

Нарпай тумани маркази — Оқшоға кириб борар экансиз, шаҳарчанинг шундоққина яқинида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари беихтиёр эътиборингизни тортади. Чунки бу ерда замонавий лойиҳаларга мувофиқ, пишқ гишт, мухташам қурилиш материаллари асосида шинам ва мухташам уй-жойлар барпо этилмоқда.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.  
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Тахририятга келган кўлемлар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида тервалди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Т - Тижорат материал  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.10 Тонширилди — 22.30

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — М. Охунова. Мусаҳҳах — С. Исломов.  
123 5